

## АҲМАД ДОНИШ АСАРЛАРИНИНГ ТОШКЕНТДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2026-22-21-23>

*Раҳимов Комилжон Раҳматович*

*Тошкент давлат шарқшунослик университети  
 “Шарқ фалсафаси ва герменевтика” кафедраси профессори,  
 тарих фанлари доктори (DSc)*

*Қомусий олим, мутафаккир ва маърифатпарвар Аҳмад Дониш (1827–1897) ўзининг қимматли асарлари, илғор ғоялари билан Ўрта Осиё халқлари маданий тараққиёти ва ижтимоий-сиёсий фикри ривожига улкан ҳисса қўшди. Шу сабабли ушбу аллома ижоди минтақа мамлакатлари ва ундан ташқарида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.*

XIX асрда Бухорода яшаб ижод этган, илғор фикрлари билан ном қозонган мутафаккир ва маърифатпарвар адиб, тарих, фалсафа, калом, фикҳ, адабиёт, мусиқа, математика, астрономия, меъморчилик ва география соҳалари қомусий олими, Аҳмад Дониш ёки Аҳмад Калла тахаллуслари билан махур бўлган Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал-Ҳанафий ас-Сиддиқий ал-Бухорий (1827–1897) ўзининг қимматли асарлари, илғор ғоялари билан Ўрта Осиё халқлари маданий тараққиёти ва ижтимоий-сиёсий фикри ривожига улкан ҳисса қўшди.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, Аҳмад Дониш тахаллусида билим, билимдонлик, донишмандлик, олимлик маъноларини англатувчи «дониш» сўзининг қўлланилиши унинг ўз даврида донг таратган йирик олим ва мутафаккир бўлганидан нишонандир.

Аҳмад Дониш 1827 йилда ҳозирги Бухоро вилояти Шофиркон тумани ҳудудида жойлашган Суғд қишлоғида дунёга келган. Шу қишлоқдаги мактабни тугатиб, Бухоро шаҳридаги мадрасаларда таҳсил олган, кейинчалик ўз даврининг илғор олими ва мутафаккири даражасига кўтарилган.

Аҳмад Дониш таҳсили давомида диний илмларни мукамал эгаллашдан ташқари, дунёвий фанлар – тарих, фалсафа, адабиёт, мусиқа, меъморчилик, рассомчилик, риёзиёт (математика), фалакиёт (астрономия) ва тиббиёт соҳаларида ҳам чуқур билим олган. У айниқса Ибн Сино, Умар Хайём, Алишер Навоий, Абдулқодир Бедил ва шу каби бошқа кўплаб Шарқ мутафаккирлари асарларини ўрганган, уларнинг қарашларидан ўз рисолаларида кенг фойдаланишга интилган. Аҳмад Дониш юксак маҳоратли шоир, рассом, меъмор ва хаттот ҳам бўлган.

У ана шу хислатлари туфайли Бухоро амирлиги ҳукмдорларининг ҳам эътиборига тушган – XIX асрнинг 50-йилларида Бухоро амири Амир Насруллоҳ (1827–1860) давридан бошлаб 1870 йилгача саройнинг бош меъмори ва хаттоти, шунингдек дипломатик хизмат котиби сифатида хизмат қилган.

Аҳмад Дониш 1857, 1869 ва 1874 йилларда уч марта Бухоро элчилиги ҳайъати таркибида Россия пойтахти Санкт-Петербургда бўлиб, Европа маданияти, илм-фан соҳасидаги ютуқлари билан яқиндан танишган. У кейинчалик ўз асарларида Европа мамлакатларидаги илғор бошқарув усуллари Бухоро амирлиги давлат бошқаруви тизимида ҳам қўллашни таклиф қилган.

Аҳмад Донишнинг ислохотчилик таклифларини маъқулламаган Амир Музаффархон (1834–1885) уни сарой хизматидан бўшатиб, уни аввал Ғузур беклигига, кейин эса Нарпайга қози этиб тайинлайди. 1885 йили Амир Абдулаҳадхон (1857–1911) тахтга ўтиргандан кейин Бухоро шахрига қайтиб келиб, мадрасалардан бирида кутубхона мудирлиги сифатида фаолият кўрсатади. Аҳмад Донишнинг Бухоро шахридаги уйи ўша даврнинг илғор фикрли зиёлилари – олимлар, шоирлар ва санъаткорларнинг доимий йиғилиб турадиган жойига айланган.

Аҳмад Дониш 1897 йили Бухоро шахрида вафот этади ва ушбу шаҳардаги «Пуштайи Беҳиштиён» («Жаннатийлар тепалиги») қабристонидан дафн этилади. Мазкур қабристон совет даврида бузиб ташланиб, ўрнига турли бинолар ва иншоотлар қурилган. Мустақиллик даврида ушбу қабристон ўрнининг бир қисмида «Дахмайи Беҳиштиён» («Жаннатийлар дахмаси») рамзий мақбараси бино этилди.

Аҳмад Дониш ўз ҳаёти давомида тарих, фалсафа, ислом илоҳиёти, жамиятшунослик, сиёсатшунослик, одоб-ахлоқ, адабиёт, мусиқа, математика, астрономия, география, меъморчилик ва хаттотликка бағишланган 20 тага яқин асар ёзган бўлиб, улар орасида «Наводир ул-вақоеъ» («Нодир воқеалар»), «Рисола дар назми тамаддун ва таъовун» («Цивилизация ва ўзаро ёрдам тизими ҳақида рисола»), «Давлат ва жамият бошқаруви ҳақида рисола»), «Манозир ул-кавокиб» («Сайёраларнинг жойлашуви»), «Меъёр ут-тадайюн» («Тақводорлик меъёри»), «Рисола ё мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони манғития» («Рисола ёки манғитлар сулоласининг қисқача тарихи»), «Таржимаи аҳвали амирони Бухоро. Сафоратнома» («Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари. Элчилик эсдаликлари») каби асарлари алоҳида ажралиб туради.

Аллома ижоди нафақат Ўзбекистонда, балки барча Марказий Осиё давлатлари ва ундан ташқарида ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Жумладан, ўзбек олимларидан академик Иброҳим Мўминов, Музаффар Хайруллаев ва бошқалар Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий фикрига оид умумий ишларида Аҳмад Дониш ижоди ва қарашларини ҳам тадқиқ этиб ўтишган. Мустақиллик даври тадқиқотчилар орасида Лола Муҳамеджанованинг ишларини алоҳида эслатиб ўтиш лозим. Бу олима ўзининг XIX аср охирлари – XX аср бошларида Бухородаги демократик ҳаракатга бағишланган монографияларида Аҳмад Дониш қарашларининг ушбу ҳаракатга таъсирини ҳам тадқиқ қилиб ўтган бўлса, бир қатор мақолаларини махсус Аҳмад Донишнинг фалсафий ва сиёсий қарашлари, жумладан давлат бошқарувини ислоҳ қилиш борасидаги мулоҳазалари таҳлилига бағишлаган.

Ўзбекистонда Аҳмад Дониш ижоди ва қарашларини ўрганиш ва тадқиқ этишда аллома асарларининг мамлакатимиз қўёмалар хазиналарида сақланаётган қўлёзма нусхалари бирламчи тадқиқот манбалари сифатида катта имконият яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Аҳмад Донишнинг 16 та рисола ва яна бир қанча шеърлари киритилган тазкиралар, Ғаззолий, Жомий асарларидан кўчирган қўлёзма нусхалари сақланади. Уларнинг кўпчилиги асл нусха бўлиб, муаллифнинг ўзи томонидан битилгандир. Бу эса ўз навбатида аллома ижодини ўрганишда янги имкониятлар яратади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Аҳмад Дониш қаламига мансуб бўлган 16 та асарнинг 25 та қўлёзма нусхаси сақланаётган бўлиб, уларнинг кўпчилиги муаллифнинг ўзи томонидан битилган. Бу қўлёзмаларнинг 15 таси асл ёзилган тили – форс-тожик тилида, 1 таси эски ўзбек тилига таржимада.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган Аҳмад Дониш қаламига мансуб асарлар қўлёзмаларининг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг нисбатан яхши сақланганидир. Шу билан биргаликда мазкур 25 та қўлёзмадан катта қисмининг муаллифнинг ўзи томонидан кўчирилгани Аҳмад Донишнинг нафақат қомусий олим, адиб ва ва мутафаккир, балки моҳир ва масъулиятли хаттот бўлганини ҳам кўрсатади. Шунингдек, ушбу қўлёзмалардан 3 тасининг ўз даврининг машҳур шахслари – Бухоро амири Амир Музаффархоннинг ўғли Мир Муҳаммад Сиддиқ ибн Амир Музаффар (1864–1932) ҳамда маълум муддат Бухоронинг қозикалони бўлган уламо, шоир, олим ва маърифатпарвар Садри Зиё (1867–1932) томонидан кўчирилганлиги ўз даврида Аҳмад Дониш ва унинг ижодига бўлган юксак эътибордан дарак беради.

Аҳмад Дониш асарларининг ушбу қўлёзмаларидан ҳаммаси ҳам ҳалигача кенг ва чуқур тадқиқотлар объектига айлантилмаган бўлиб, ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Мазкур қўлёзмаларни тадқиқ қилиш, танқидий матнларини тайёрлаш ва нашр этиш шарқшунослар олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.